

Zohid M. ISLAMOV,
*Doctor of Philology,
Professor of the Department of
Uzbek language and classical oriental literature of
the International Islamic Academy of Uzbekistan.
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail:zohidiy@yandex.ru*

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА
ИСЛОМШУНОСЛИК
ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ
ТАМОЙИЛЛАРИ**

**ПРИНЦИПЫ РАЗВИТИЯ
ИСЛАМОВЕДЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ
В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ**

**PRINCIPLES OF THE DEVELOPMENT
OF ISLAMIC STUDIES IN THE NEW
UZBEKISTAN**

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақиллигига эришиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида улкан ўзгаришлар ва ислохотларнинг амалга ошишига тўлақонли имконият яратиб берди. Бу айниқса, жамият ҳаётининг асосий йўналишларидан ҳисобланган диний-маърифий соҳадаги хайрли ишларда ўз аҳамиятини кўрсатмоқда. Мазкур йўналишда таълим, илмий, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилган ишлар ўз долзарблиги ва аҳамияти билан ажралиб туради. Қолаверса, қадимдан халқимизга хос бўлган маърифатпарварлик, бағрикенглик, меҳмурувват, бунёдкорлик каби эзгу фазилатлар ва кадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳага қаратилаётган эътиборнинг аҳамияти катта.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистонда илк бора диний-маърифий соҳани илмий жиҳатдан ўрганиш бўйича қўйил-

ган кадам сифатида дин ҳақидаги илмлар хусусан, исломшунослик, диншунослик мутахассисликларининг формуласи ишлаб чиқилганини келтириш мумкин. Мазкур формулада мутахассисликларнинг тўла қамровли тадқиқот йўналишлари ўз аксини топган. “Диншунослик” мутахассислиги диний тасаввурлар, кўпхудолилик, яккахудолик, уларнинг жамиятда маънавиятни қарор топтиришдаги ўрнини илмий-фалсафий таҳлил этиш, динлар, турли конфессияларнинг ғоялар ва фикрлар кураши жараёнида шаклланиши ва оламни идрок этишнинг ўзига хос усули сифатида пайдо бўлиш қонуниятларининг назарий жиҳатларини ўрганиш, диний институтларнинг динлараро ва бир дин доирасидаги ҳамкорлиги, диний ташкилотлар, давлат ва ижтимоий институтларнинг ўзаро муносабатлари, диний бағрикенглик ва диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари ҳамда ҳозирги кўринишлари, динларни мафкура куролига айлантиришнинг салбий оқибатларини тадқиқ этиш, шунингдек ислом тарихида фалсафа, хурфикрлик, араб-мусулмон оламида Уйғониш даври ва унинг умумбашарий цивилизацияда тутган ўрни, исломдаги фалсафий анъаналар, сўфийлик оқимлари, сўфий мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда қарашлари, тариқатлардаги умумийлик ва хослик, Қуръон ва унинг негизида диний-фалсафий фикрларнинг ривожланиши, илк ислом таълимоти, ислом ақидалари, калом илми, мактаблари, намояндалари, диний мафқуранинг шаклланишида ислом илоҳиётининг роли, замонавий ислом концепциялари ва уларнинг ғоявий манбалари, Қуръон, ҳадис ва бошқа ислом манбаларининг филологик, текстологик тадқиқоти каби исломшунослик йўналишлари билан боғлиқ муаммоларни ўрганишни назарда тутди.

“Ислом тарихи ва манбашунослиги” мутахассислиги ислом динининг вужудга келиш тарихи ва манбаларини илмий тадқиқ қилиш, Арабистон ярим оролининг VII асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти, ислом таълимотининг шаклланиши ва ривожланиши, мусулмон мамлакатларидаги давлат қурилиши ва шарқ ижтимоий тараққиётига исломнинг таъсири, ислом тарқалган Шарқ мамлакатлари халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий ва шахсий ҳаётида исломнинг ўрни; “Ислом – жаҳон дини”, “Жаҳон сиёсатида ислом омили”, “Ислом маданияти ва жаҳон цивили-

Аннотация: Мақолада мустақиллик йилларида юртимизда диний-маърифий соҳанинг ривожланиши, хусусан, диний таълим борасидаги ижобий ўзгаришлар ҳақида сўз боради. Ўзбекистонда исломишунослик мустақилликнинг дастлабки йилларида динишунослик мутахассислиги таркибида шакллана бошлади. Жумладан, 2000 йилда “Олий илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш рўйхати”га шарқишунослик фанлари доирасида “Динишунослик назарияси”, “Ислом тарихи ва манбаишунослиги”, “Ислом ҳуқуқи” ихтисосликлари киритилди. Бундан ташқари, кейинги йилларда исломишуносликка оид ўқув қўлланмаларнинг рус ва инглиз тилларидаги таржималарига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мақоланинг хулоса қисмида истиқболда исломишунослик соҳаси олдидаги долзарб бўлиб турган масала юртимиз олимларининг араб-форс, ва ўзбек тилидаги илмий-маънавий, диний-маърифий меросини илм-фан соҳаларининг турли йўналишларига етказиб бериши йўллари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: динишунослик назарияси, Қуръон, ислом ҳуқуқи, исломишунослик, тафсиришунослик, ҳадис.

Аннотация: В статье рассматривается развитие религиозно-образовательной сферы в нашей стране за годы независимости, в частности положительные изменения в религиозном образовании.

В первые годы независимости исламоведение в Узбекистане начало формироваться в сфере религиоведения. В частности, в 2000 году специальности «Теория религии», «Исламская история и источниковедение», «Исламское право» были включены в «Перечень подготовки высших научных и научно-педагогических кадров» в области востоковедения. Кроме того, в последние годы особое внимание уделяется переводу учебников по исламоведению на русский и английский языки.

В заключительной части статьи показаны актуальные вопросы, стоящие перед областью исламоведения в будущем, и пути доведения научного, духовно-религиозного и просветительского наследия узбекских ученых на арабском, персидском и узбекском языках до различных областей науки.

Ключевые слова: теория религии, Коран, исламское право, исламоведение, толкование, хадисы.

Abstract: The article discusses the development of the religious and educational sphere, in particular, positive changes in religious education in our country over the years of independence.

In the first years of independence, Islamic studies in Uzbekistan began to form within religious studies. In particular, in 2000, the specialties «Theory of Religion», «Islamic History and Source Studies», «Islamic Law» were included in the «List of training of higher scientific and scientific-pedagogical personnel» in the field of Oriental studies. In addition, in recent years, special attention has been paid to the translation of textbooks on Islamic studies into Russian and English.

The final part of the article shows the current issues facing the field of Islamic studies in the future and ways to bring the scientific, spiritual, religious, and educational heritage of Uzbek scientists in Arabic, Persian and Uzbek to various fields of science.

Key words: Theory of Religious studies, Qur'an, Islamic law, Islamic studies, Tafsir studies, Hadith.

зацияси” мавзулари, ислом тарихига оид манбалар, уларнинг турлари – Қуръон, ҳадис, сийра, макот, табакот, шеърият ва ҳ.к., манбалардаги маълумотларнинг ишончлилиқ даражаси ва илмий аҳамияти, исломшунослик манбаларининг илмий таҳлили, ислом манбаларининг турли жанрлари бўйича каталогларини яратиш, манбалардаги маълумотларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва аниқлаш каби йўналишларни камраб олган.

НАТИЖА

“Ислом ҳуқуқи” мутахассислиги фикҳ – мусулмон ҳуқуқшунослиги, фикҳнинг ислом ҳуқуқшунослиги сифатида шаклланиши, мусулмон ҳуқуқшунослик мактабларининг пайдо бўлиши ва

ривожланиши, фикҳнинг шаклланиши, ҳуқуқий масалаларни ечишда Қуръон ва суннанинг асосий йўналишлари, аниқ ҳуқуқий масалаларни ечиш концепцияси, методология ва тушунчаларнинг шаклланиши, фикҳ – ислом ҳуқуқшунослигининг назарий илоҳиёт билан муносабати, фикҳ мактабларининг ташкил топиши ва ривожланиши, турли мазҳаб вакилларининг фаолияти ва илмий-назарий мероси, фикҳ – турли ижтимоий жихатларни камраб олган кенг маънодаги ислом ҳуқуқи сифатида, мусулмон ҳуқуқшунослари – фақиҳ, муфтий меросларини ўрганиш, фикҳий коидалар таснифи, фикҳнинг мусулмон давлатлар ҳуқуқий тизимида ва ҳозирги замондаги ўрни, фикҳ ва замонавий мафкура билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишга қаратилган.

Мазкур мутахассисликлар бўйича ўн йил давомида 30 дан ортиқ тадқиқотлар амалга оширилди. 2012 йилдан бу мутахассисликлар “Диншунослик, ислом тарихи ва манбашунослиги” номи билан аталиб, тарих фанлари доирасига киритилди. 2017 йилдан Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2017 йил 28 декабрдаги қарорига кўра 24 рақами билан янги исломшунослик фанлари жорий этилди. Унинг таркибига: 24.00.01 – Ислום тарихи ва манбашунослиги; 24.00.02 – Қуръоншунослик. Ҳадисшунослик; 24.00.03 – Фикҳ, калом илми. Илоҳиёт ихтисосликлари киритилди. Мазкур ихтисосликлардаги диссертацияларга исломшунослик фанлари бўйича илмий даража бериш режалаштирилган. Шунингдек, исломшунослик ихтисослигининг фаолият доирасини кенгайтириш мақсадида йўналишлар бўйича тарих, фалсафа, филология фанлари илмий даражасини беришга руҳсат этилган. Ислום дини ва таълимотини янада чуқурроқ ўрганиш, унинг жамият ҳаётидаги ўрнини асосли тадқиқ этиш, диний-маърифий ҳамда дунёвий соҳаларни чуқур англаб, таҳлил қила оладиган юксак малакали кадрларни тайёрлаш жараёнини жадаллаштириш мақсадида юқоридаги мутахассисликлар рўйхатига “Дин психологияси” ихтисослиги киритилиб, мазкур йўналишда докторантура очилди.

2018 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг очилиши исломшунослик билан боғлиқ соҳалар борасида туб бурилиш ясади. Фармонга мувофиқ, 2018 йил исломшунослик йўналишига 24.00.04 – Шарқ мумтоз адабиёти ва манбашунослиги ихтисослиги ҳам киритилди. Айнан шу ихтисосликлар бўйича академияда таянч докторантура ва докторантура очилди. Ушбу хайрли ишлардан кўзланган асосий мақсад келгусида, албатта, ўз даврида дунё илм – фани ривожига улкан ҳисса қўшган, юртимиз довуғини дунёга танитган “бухорийлар”, “термизийлар”, “замахшарийлар”, “марғинонийлар”, “насафийлар” каби олиму фузалолар етишиб чиқишидир. Мана шу эзгу ниятларни амалга ошириш мақсадида Академияда дунёвий

ва диний билимларни мукамал эгаллаган, замонга ҳамнафас бўлиб, ўзининг билими ва иқтидори, хулқи ва одоби билан ажралиб турадиган баркамол ёшларни тарбиялаш ишига катта эътибор қаратилмоқда.

Академияда докторантлар, мустақил изланувчилар, ёш ўқитувчилардан шаклланган ёш олимлар кенгаши фаолият олиб боради. Айниқса, ёш олимлар кейинги йилларда республика миқёсида яхши натижаларга эришмоқдалар. Ҳозирда Академияда исломшунослик, диншунослик соҳаларини пухта эгаллаган ёш иқтидорли докторантлар, мустақил изланувчилар жамоаси шаклланиб улгурди. Бугунги кунда мазкур таълим муассасасида 80 дан ортиқ таянч докторант, докторант, мустақил ва стажёр тадқиқотчилар фаолият юритмоқда. Республикада диншунослик ҳамда исломшунослик соҳаларида амалга оширилган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш, диссертациялар ҳимоясини амалга ошириш мақсадида Академияда Илмий кенгаш очилган. Ўтган қисқа муддат ичида мазкур Илмий кенгашда 10 та фан доктори ва 30 дан ортиқ фалсафа доктори илмий даражаларини олиш учун ёзилган диссертациялар муваффақиятли ҳимоя қилинди. Соҳа бўйича илмий ўзгаришларнинг антиқа ўзига хослиги мавжуд. Илмий кенгаш тақдим этилган диссертацияларга фақатгина исломшунослик фанлари бўйича илмий даража бериб қолмай, тадқиқот мавзусига қараб, тарих, фалсафа ҳамда филология фанлари бўйича ҳам илмий даражалар беради.

Ислוםшунослик ихтисослиги доирасида ислом тарихи, фалсафаси, хурфикрлилик, араб-мусулмон оламида Уйғониш даври ва унинг цивилизация тарихида тутган ўрни, исломдаги фалсафий анъаналар, сўфийлик оқимлари, сўфий мутафаккирларнинг ҳаёти, ижоди ва қарашлари, тариқатлардаги умумийлик ва хослик, ислом ҳуқуқшунослиги, ханафийлик мазҳаби ва унинг манбалари, алломаларимизнинг ханафийликка оид асарлари, Қуръон ва унинг негизида диний-фалсафий фикрларнинг ривожланиши, илк ислом таълимоти, ислом ақидалари, калом илми мактаблари ва намояндалари, ислом илоҳиёти, Қуръон, ҳадис ва бошқа ислом манбаларининг филологик, тарихшунослик, матншунослик тадқиқоти каби йўналишлар билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш назарда тутилади.

Амалга оширилаётган тадқиқотлар сирасида қуръоншунослик, тафсиршунослик алоҳида ўрин тутди. Ҳозирга қадар Қуръон матнининг ўзбек тилидаги қатор таржима ва тафсирлари амалга оширилди. Улар исломшунослик соҳаси ривожига ўзига хос аҳамиятга эга. Мазкур таржималарни манба сифатида қиёсий ўрганиш, таржима усуллари таҳлил қилиш, ўзбек тили лексикасининг диний матнлар мазмунини ёритиш имкониятлари, ўзига хослиги каби масалаларни ўрганиш ҳам манбашунослик соҳасидаги муҳим тадқиқотларга асос бўлади. “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”, “Абу-л-Лайс Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсиршунослигида тутган ўрни”, “Абул Баракот Насафийнинг тафсир илмида тутган ўрни”, “Қуръони каримда Исо пайғамбар сиймоси”, «Абу Ҳафс Насафийнинг “Тайсир фи-т-тафсир” асарининг манбашунослик тадқиқи», “Мовароуннаҳр ҳанафий мазҳаби тафсирларининг қиёсий таҳлили (XIII–XV асрлар)”, «Абу Бакр Жассос “Аҳком ал-Қуръон” тафсирининг ҳанафий мазҳаби ривожига аҳамияти» каби мавзулардаги ишлар Қуръон ва тафсирларни ўрганиш борасида амалга оширилган йирик фундаментал илмий тадқиқотлар саналади.

Ҳадис манбаларини илмий таҳлил қилиш ҳам исломшуносликнинг муҳим йўналишларидан бўлиб, соҳа бўйича чуқур илмий тадқиқотларни амалга ошириш имконияти мавжуд. Мана шу мақсадда Самарқандда Абу Мансур Мотуридий номидаги ҳадис илмий мактабининг очилиши соҳа ривожига, катта таъсир кўрсатади. Жумладан, ҳадисшунослик манбалари, ҳадис тўпламларидаги матнларни таҳлил қилиш, ҳадис маъноларини тўғри талқин қилиш ҳозирги кунда долзарблик касб этмоқда. Мазкур соҳада «Абдуллоҳ Субзумийнинг “Кашфу-л-осор” асари ҳадис илмига оид манба», «Абу Ҳафс Насафийнинг “Китобу-л-қанд фи маърифат уламо Самарқанд” асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба», «Ҳаким Термизийнинг “Наводиру-л-усул” асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба», “Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Бухорий, Муслим, Термизий)”, “Имом Доримийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси”, “Абдулҳамид Кеший илмий меросининг VIII–IX асрлар Мовароуннаҳр

ҳадис илми ривожигаги ўрни”, “Ҳадисларнинг диний ақидапарастликка қарши моҳияти” (А.Тоҳжиев, 2019), «Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асари ҳадис илмига оид муҳим манба», “Имом Абу Ҳанифанинг ҳадис илми таракқиётида тутган ўрни” мавзуларидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилди.

Исломшуносликка оид тадқиқотлар орасида ислом ҳуқуқшунослиги фикҳ илмига бағишланган илмий изланишлар ҳам мавжуд. «Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожига Алоуддин Самарқандийнинг ўрни ва “Тухфат ал-фуқаҳо” асарининг аҳамияти», «IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом Бухорийнинг мавқеи ва унинг “Жомиу-с-саҳиҳ” асаридаги фикҳий масалалар», “Маждуддин Уструшанийнинг Мовароуннаҳр фикҳ илми тарихида тутган ўрни”, “Абу Зайд Дабусий меросининг Мовароуннаҳрда фикҳ илми ривожига тутган ўрни”, «Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг “Муҳит” асари ва унинг Мовароуннаҳр қозилигида тутган ўрни», “Ислом ҳуқуқшунослиги ва ҳанафий мазҳаби таракқиётида Ўрта Осиё фақиҳларнинг ўрни”, «Лутфуллоҳ Насафийнинг “Фикҳи Кайдоний” асари ва унга ёзилган шарҳ ва ҳошиялар таҳлили», «Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари – муҳим ҳуқуқий манба», “Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ҳанафий фикҳи”. «Алоуддин Бухорий “Ҳайрату-л-фуқаҳо” асарининг ислом манбашунослигида тутган ўрни», «Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Жомий ал-важиз” асари ва унинг XIV–XV асрлар Мовароуннаҳр диний-ижтимоий ҳаётидаги ўрни» (Ҳ. Жўраев, 2020), “XIX–XX аср бошларида Тошкент қозихоналарида юритилган ижтимоий муносабатларга оид ҳужжатлар”, “X–XIII асрлар Мовароуннаҳр ҳанафий манбаларида вақф масалалари”, «Шамсу-л-аймма Сарахсийнинг “Мабсут” асарида молиявий масалалар» мавзуларидаги диссертациялар ва улар асосида яратилган монографиялар соҳага оид муҳим тадқиқотлардан саналади.

Мустақиллик йилларида исломшуносликнинг алоҳида урғу берилаётган соҳаларидан яна бири ақида, калом илмига бағишланган тадқиқотлар ҳисобланади. “Абул Муин Насафий ва унинг мотуридия таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси”, «Абу Жаъфар Таҳовийнинг “Ақида” асари ва унинг шарҳлари – ҳанафийлик таълимотига оид манба», “Ислом фалсафасида гносеологик масалалар талқини (калом илми вакилларининг қарашлари

мисолида)”, «Абу Ҳафс Умар Насафийнинг “Ақоид” асари ва унинг шарҳлари таҳлили», “Абу-л-Муин Насафий илмий меросининг Мовароуннаҳр калом таълимоти ривожига аҳамияти”, “Саъдуддин Тафтазонийнинг теурийлар даври Мотуридия таълимоти ривожига қўшган хиссаси” мавзуларидаги тадқиқотлар мустақиллик меваларидандир (З. Исламов, 2021:28–36).

Исломунослик бўйича яратилган тадқиқотларнинг маълум қисми ислом тарихининг турли жихатларига бағишланган. Жумладан, “Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II–VII/VIII–XIII асрлар)”, “Илк ислом давлатчилиги ва унинг шаклланиш жараёнлари (632–661)”, “Шош воҳаси олимларининг ислом илмларида тутган ўрни (X–XII асрлар)”, “Миср мамлук султонлиги ва унда ислом динининг тутган ўрни” (1250–1517), “VII–XII асрлар ислом тарихига оид манбаларда Мовароуннаҳр ва Яқин Шарқ элчилик алоқалари”, «Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийа” асари – мусулмон Шарқи давлат бошқаруви тарихига оид муҳим манба», «IX–XIV асрларда Марказий Осиёда ислом қадриятларининг миллий урф-одатлар билан уйғунлашуви (Абу Ҳанифага оид “Манокӣб” ва “Муснад” асарлар асосида)» (Р. Матибоева) каби илмий тадқиқотлар шулар жумласига киради.

Мустақиллик йилларида исломуносликнинг муҳим соҳаси бўлган тасаввуф таълимотини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ҳам амалга оширилган. «Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний қарашлари (“Шарҳи рубоиёт” асари асосида)», «Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наводир ал-усул” асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба», «Рушдийнинг “Тазкирату-л-авлиё” асари матнларининг шарқ агиографик манбаларини ўрганишдаги аҳамияти», «Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний-фалсафий талқини (Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асари асосида)», “Тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти” каби илмий тадқиқотлар шулар жумласидандир.

Ўзбек мумтоз адабиёти намояндлари ва уларнинг асарларида диний мавзулар, диний лексиканинг қўлланиш усуллари ва кўлами, пайғамбарлар киссаларининг адабиётдаги инъикоси, динлараро тотувлик масаласи, тасаввуф ада-

биётининг типологик филологик қиёсий таҳлили каби мавзулар ҳам исломуносликка оид муҳим тадқиқотлар сирасига киради. Мазкур йўналишда биргина Алишер Навоий илмий мероси юқоридаги муҳим тадқиқотларга асосий манба бўлиб хизмат қила олади. Жумладан, Алишер Навоийнинг “Ҳамса” асари таркибига кирган дostonлардаги диний мотивлар, ислом, имон талқини, ҳамд ва наът ғазаллари, улардаги бадиий образларнинг таҳлили, тарихий мавзулар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Мазкур йўналишда ҳозирда «Алишер Навоийнинг “Ҳайрату-л-аброр” дostonидаги диний мотивлар», “Чархий туркий тафсилларининг таҳлили”, “Ўрта асрлар ислом балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар”, “Ислом даври шеърлятида аруз тизими ва унинг эволюцион тараққиёти”, «Қуръонда “Маъоний илми”нинг лингвопозетик асослари» (Н. Мулласодиқова, 2020), «Саккокийнинг “Мифтаху-л-улум” асарида наҳв ва сарф масалалари» мавзусидаги тадқиқотлар яқунланган.

Шунингдек, ушбу йўналишдаги тадқиқотларга “Мусулмон мамлакатларидаги фатво марказлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари” (Б. Мамадиев, 2019:42–47), “Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш омиллари ва муаммолари”, “Ислом фалсафасида диний ва дунёвий илмлар уйғунлиги масаласи”, “ЮНЕСКО фаолятида диний бағрикенглик тамойиллари (Ўзбекистон Республикаси мисолида)”, “Сурхондарёдаги табаррук зиёратгоҳлар тарихи ва уларнинг аҳоли диний-маънавий ҳаётидаги ўрни”, “Диний қадриятлар ва тасвирий санъат интеграциясининг шахс маънавиятига таъсири”, “Кибермакон ва ислом билан боғлиқ диний-маънавий жараёнлар”, “Ахборотлашган жамият ижтимоий идентиклиги шаклланишида дин омили” мавзулари киради.

МУҲОКАМА

Олиб борилаётган тадқиқотларда дин хусусан ислом таълимотининг ҳозирги глобаллашув даври ҳаётидаги ўрни, унинг ёшлар, аҳоли қатламларини миллий-диний қадриятлар асосида тарбиялаш билан боғлиқ масалалар, дунёвийлик ва динийликни мўътадил шакллантириш йўллари ва омиллари каби янги мавзулар ёритилган.

Исломунослик бўйича амалга оширилаётган тадқиқотлардан асосий мақсад ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари, ўқувчи, талабаларда миллий ҳамда диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш, уларда динлар хусусан, ислом таълимотининг маърифий асослари ҳақида маълумот бериш орқали мустаҳкам мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш каби ҳозирги даврнинг муҳим долзарб масалаларидан иборат. Маълумки, ушбу вазибаларни юқоридаги фанларга оид замонавий талабаларга тўлиқ жавоб бера оладиган қўлланма ва дарсликларни яратмасдан амалга ошириш мумкин эмас. Шу мақсадда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Исломунослик” соҳаларига оид фанларни такомиллаштириш бўйича кенг камровли дастурлар қабул қилинган ва ижроси амалга оширилмоқда.

Исломунослик фанларини такомиллаштириш бўйича дастурга мувофиқ, соҳага оид 50 дан ортиқ “Ислом манбашунослиги”, “Тасаввуф”, “Қуръоншунослик”, “Балоғат”, “Ҳадисшунослик”, “Қорановедение”, “Суфизм”, “Ҳадисоведение”, “Исламское источниковедение”, “Мовароуннахр мутакаллимлари илмий мероси”, “Исломда қозилик маҳкамалари”, “Ислом фалсафаси”, “Ҳадис тўпламларининг қиёсий таҳлили”, “Қуръон қироати ва тажвид илми”, “Исломунослик асослари”, “Ислом ҳуқуқига кириш”, “Манбашунослик”, “Қалам (акаид)”, “Фикҳ (фуруъ ва усул)”, “Мовароуннахр мутакаллимлари илмий мероси”, “Қуръон тафсилларини қиёсий ўрганиш”, “Этикод психологияси”, “Ислом цивилизацияси манбашунослиги ва тарихнавислиги”, “Марказий Осиё мутафаккирлари илмий мероси” номли ўқув қўлланмалари, “Мотуридия таълимоти тарихи”, “Ислом манбашунослиги” номли дарсликлар тайёрланиб, дарс жараёнига татбиқ этилган. Ҳозир мавжуд ўқув қўлланмаларни дарсликларга айлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Манбаларни холис илмий таҳлил қилиш асосида ёзилган мазкур дарслик ва қўлланмалар ўқувчи ва талабаларда том маънодаги бағрикенглик маданияти шаклланишига яқиндан хизмат қилади. Шунингдек, кейинги йилларда исломшуносликка оид ўқув қўлланмаларининг рус ва инглиз тилларидаги таржималарига алоҳида эътибор берилмоқда.

Сўнгги беш йил давомида мухтарам юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонларидан миллий маданий мерос, алломаларимизнинг қўлёзма асарларини ўрганиш, уларнинг дунё фондларида сақланаётган нусхаларни аниқлаш ва она юртимизга қайтариб олиб келиш, исломшунослик соҳаларини илмий ривожлантириш ишига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мир Араб Олий мадрасаси каби халқаро аҳамиятга молик муҳим илмий даргоҳларнинг очилиши бунинг яққол далилидир.

Истиқболда исломшунослик соҳаси олдида жуда кўплаб долзарб масалалар турибди. Жумладан, юртимиз олимларининг араб, форс-тожик, ўзбек тилидаги илмий-маънавий, диний-маърифий меросини илм-фан соҳаларининг турли йўналишларига татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Алломаларимиз томонидан яратилган буюк меросни ўрганишни биринчи навбатда уларнинг қўлёзма нусхаларини аниқлаш, матнини қадимий манбалар асосида қиёсий ўрганиб, таянч матнларни белгилаш йўлида тадқиқотлар олиб бориш, илмий нуқтаи назардан мукамал, халқаро меъёрларга мос келувчи асарларнинг яратилишга асос бўлади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Тожиев А. Ҳадисларнинг диний ақидапарастликка қарши моҳияти. PhD дисс.автореф. – Тошкент, 2019. – 45 б.
2. Жўраев Х. “Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Жомий ал-важиз” асари ва унинг XIV–XV асрлар Мовароуннахр диний-ижтимоий ҳаётидаги ўрни. PhD дисс.автореф. –Тошкент. 2020. –54 б.
3. Исломов З. “Ўзбекистонда мотуридийлик ақидасини ўрганишга оид илмий тадқиқотлар”//Мотуридийлик. – Тошкент. 2021. №1.
4. Матиева Р. IX–XIV асрларда Марказий Осиёда ислом кадриятларининг миллий урф-одатлар билан уйғунлашуви (Абу Ҳанифага оид «Маноқиб» ва «Муснад» асарлари асосида).
5. Муллаасодикова Н. Қуръонда “Маъоний илми”нинг лингвопоэтик асослари. PhD дисс.автореф. – Тошкент. 2020. – 46 б.

6. Мамадиев Б. Регулятивная роль фетв в мусульманских странах // Ислам зиёси. –Ташкент. 2019. –№1.
7. Обидов Р. “Қуръон ва тафсир илмлари” фани бўйича ўқув-услубий қўлланма / Масъул муҳаррир З.Исломов. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2003. – 28 б.
8. Жузжоний А. Марғиноний ва унинг издошлари / Масъул муҳаррир З. Исломов. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2000. – 54 б.
9. Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи / Масъул муҳаррир З.Исломов. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти нашриёти, 2005.– 189 б.
10. Мухамедов Н. Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси / Масъул муҳаррир З. Исломов. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.
11. Уватов У. Ҳадис илмининг султони / Масъул муҳаррир З. Исломов. Имом Бухорий халқаро маркази, 2009. – 95 б.
12. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс Насафий / Масъул муҳаррир З. Исломов. –Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 40 б.
13. Абдуллаев А. Абу Лайс Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсиршунослигида тугган ўрни / Масъул муҳаррир З. Исломов. –Тошкент. Мовароуннаҳр нашриёти, 2013. – 216 б.
14. Махсудов Д. Абул Баракот ан-Насафий ва унинг “Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил” асари. / Масъул муҳаррир З. Исломов. – Тошкент: Мовароуннаҳр нашриёти, 2014. – 198 б.
15. Бекмирзаев И. Мовароуннаҳрда козилик ҳужжатлари: тарихий илдизлар ва таҳлилий ёндашувлар / Масъул муҳаррир З. Исломов. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 332 б.
16. Асророва Л. Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ҳанафий фикҳи / Масъул муҳаррир З. Исломов. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014 – 280 б.
17. Абдуллаев А., Раҳимжонов Д., Зиёдов Ш. Тошкентдаги Усмон мусхафи. Монография / Масъул муҳаррир З. Исломов. – Тошкент: Мовароуннаҳр нашриёти, 2015.
18. Ҳасанов Ҳ. Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг “Мубаййин” асари – адабий-диний манба / Масъул муҳаррир З. Исломов. – Тошкент. 2015. – 90. б.
19. Юсупова Н. Мовароуннаҳр ҳанафий фақиҳлари асарларида оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга оид қарашларининг моҳияти. Монография. Масъул муҳаррир З. Исломов. – Тошкент. Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018.– 214 б.
20. Асророва Л. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий ва Мири Хурд Вобқандий. Масъул муҳаррир З. Исломов. – Тошкент. Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2019. – 55 б.
21. Исламов З. “Муқаддамату-л-адаб” асарининг манбашунослик ва матншунослик тадқиқи. Монография. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2020. – 334 б.
22. Исламов З. “Муқаддамату-л-адаб” асарининг тил хусусиятлари ва туркий тилнинг ҳолати. Монография. – Тошкент. 2019. – 251 б.

